

ТАЛАБАЛАР НАЗАРИЙ БИЛИМИНИ БАҲОЛАШДА ТЕСТ ТУЗИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

Юсупов Ҳамза Сафарович

Тошкент тиббиёт академияси Чирчиқ филиали ўқитувчиси.

Фозилова Нигора Собиржонова,

Мухаммадиева Камола Дилиод қизи,

Каримова Диёра Турғунжон қизи.

Аннотация: Бугунги кунда тест таълим тизимининг деярли ҳар бир босқичида энг фаол қўлланиладиган методлардан бири ҳисобланади. Бу методнинг энг яхши томони инсон омилсиз –олинган билимни шаффоф баҳолашдир. Тест ҳам бошқа баҳолаш усуллари каби ўз муайян қонун - қоидалар, тамойиллар асосида тузилади. Аниқ, мантиқан тўғри тузилган тест саволи фойдаланувчиларда эътироз туғдирмайди. Ушбу мақолада тест тузиш жараёнида аҳамият қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, тест тузиш тамойиллари ва тест тузиш жараёнида дуч келинадиган айрим хатоликлар ва уларни бартараф этиш усуллари хусусида сўз юритилган.

Калим сўзлар: *тест, тестнинг вазифалари, тест тузиш тамойиллари, тест тузиш жараёнидаги камчиликлар, тест таҳлили.*

Abstract: Today, almost every test of the educational system is one of the most actively used methods at the stage. The best part of this method is the transparent evaluation of the acquired knowledge without the human factor. The test, like other evaluation methods, is made on the basis of its own specific laws - rules, principles. A clear, logically structured test question will not cause objections in users. This article talks about the aspects that should be paid attention to in the process of test preparation, the principles of test preparation, and some errors encountered during the test preparation process and their elimination methods.

Key words: test, tasks of the test, principles of test preparation, flaws in the process of test preparation, test analysis.

Аннотация: Сегодня практически каждое испытание системы образования является одним из наиболее активно используемых методов на данном этапе. Самое приятное в этом методе — прозрачная оценка полученных знаний без человеческого фактора. Тест, как и другие методы оценки, строится на основе своих определенных законов – правил, принципов. Четкий, логически структурированный вопрос теста не вызовет возражений у пользователей. В данной статье рассказывается об аспектах, на которые следует обратить внимание в процессе подготовки тестов, принципах подготовки тестов, а также некоторых ошибках, возникающих в процессе подготовки тестов, и методах их устранения.

Ключевые слова: тест, задачи теста, принципы подготовки теста, недостатки в процессе подготовки теста, анализ теста.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда олинган билимни баҳолашда инсон омили иштирокисиз усул(тест тизими) энг самарали усул сифатида қўлланилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда тест синовида тайёргарлик кўраётган ўқувчиларга нисбатан қўйилаётган талаб бир қадар оширилмоқда. Бунга ўқувчиларнинг билим савиясида йилдан йилга ўсиш кузатилаётганлиги асосий сабаблардан биридир. Тузилган тест саволда берилган тўртта жавобнинг биттаси тўғри бўлса, нотўғри учта алтернатив жавоблар ҳам тўғри жавобга жуда яқин келади. Уларнинг ичидан тўғриси танлаш учун ўқувчидан кучли билимдан ташқари, зукколик, мантикий тўғри фикрлаш ва тест ечишдаги тажриба талаб қилинади. Тестнинг афзаллиги жараённинг адолатлилиги, холислиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда таълим муассасаларида тест топшириқларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган. Таълим назорати тест усулида талабанинг олган билимини баҳолашни энг тўғри усул деб ҳисоблайди.

Тест усули жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида амалда синовдан ўтган. «Тест» (ингл. «синов») шахснинг билимлари, қобилиятлари ёки кўникма ва малакаларини баҳолаш учун ишлатиладиган саволлар, масалалар ёки амалий машғулотлар йиғиндисини англатади.

«Тест топшириғи» деганда эса тестнинг таркибига кирган муқобил жавоблари берилган ёки бошқа турдаги алоҳида топшириқ тушунилади.

Тест синовлари қуйидаги афзалликларга эга:

-ўқувчилар ўзлаштирган билимлар, кўникма ва малакалар даражасини тез ва қулай аниқлаш мумкин;

-ўқувчилар билимини ҳаққоний ва табақалашган ҳолда баҳолаш ошади;

-ўқувчилар билимини назорат қилишга кам вақт сарфланади;

-китоб ва мавзу устида мустақил ишлаш ва таҳлил қилиш кўникма-малакалари шаклланади.

Тест усули бирмунча технологик хусусиятга эга бўлиб, билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилишда ўқитувчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади ва ўқув дастурининг чуқур ҳамда ҳар томонлама ўзлаштирилишини таъминлайди. Тестология назарияси ва амалиётида шу нарса маълумки, тест ўқувчиларнинг билимини баҳолашга хизмат қилади ва қуйидаги учта тамойилга таянади:

1. **Тестнинг обективлиги** - яъни ўқувчига қўйиладиган баҳо уни қўядиган шахсга боғлиқ бўлмаслиги шарт.

2. **Ишончлилик** - бу ўқувчининг билимларини ўлчашнинг аниқлик даражаси ёки бир марталик педагогик ўлчаш жараёнида олинган натижаларга қанчалик ишониш мумкинлигини билдиради.

3. **Валидлик** - тузилган тестнинг ўқув дастури мазмунига мослигини билдиради.

Тестология - инглизча сўздан олинган бўлиб, тест — синов, юнонча логос — билим сўзлари бирикмасидан иборат.

Тестология фанлараро фан бўлиб, илмий асосланган ва сифатли педагогик диагностик ўлчов методикаси ҳақидаги фан саналади.

-Тестология фанининг объекти:

-Тест топшириқларини тузиш жараёни;

-Тест топшириқларини амалиётга жорий этиш ва ўтказиш жараёни;

-Тест топшириқларидан олинган натижаларни умумлаштириш жараёни саналади.

Тестологияни қўллашда умумий хусусиятлар:

- тестлар тузиш методикаси,

- самарадорлик,

- вариативлик,

- ишончлилиқ,

- ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос хусусиятлари,

- фаннинг таълим мазмуни,

- тестларнинг мантиқий тузилиши,

- тест синовининг ўтказилиш мақсади,

- касбий ва умумтаълим билимларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ва ўлчови эътиборга олинади.

ТЕСТ ТУЗИЛИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчилар билимини жорий назорат ҳамда оралиқ ва якуний назоратлари учун сифатли тест топшириқларини ишлаб чиқишни билиши керак. Тест сифатининг етарли даражасини таъминлаш учун тест топшириқлари тузилишига қўйиладиган қатор талабларни ҳисобга олиш ва бажариш керак. Уларга қуйидагилар киради:

-Тест топшириқлари берилган структура (кодификатор)га кўра эҳтиёж асосида тузилиши ва ҳар бир тест топшириғининг қийинлик даражаси кўрсатилиши лозим.

-Хар бир тест топшириғи тегишли таълим тури бўйича Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида тузилиши шарт.

-Тест топшириғи илмий асосланган маълумотлар асосида тузилиши зарур.

-Тест топшириғи умумий қабул қилинган атамалар асосида тузилиб, унда эскирган, кам ишлатиладиган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, белгилар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар бўлмаслиги керак.

-Хар бир тест топшириғи бирор-бир ягона мақсадни кўзда тутган ҳолда тузилиши лозим.

-Тест топшириғининг саволи аниқ, лўнда, қисқа ифодаланган бўлиши, унда зарурий маълумотлар келтирилиши, кераксиз ортиқча маълумотлар ишлатилмаслиги, шунингдек, савол икки хил тушунилмаслиги керак.

-Тест топшириғи саволида тўғри жавобни топишга ёрдам берувчи сўз ва иборалар ишлатилмаслиги лозим.

-Тест топшириғининг тўртта жавоби бўлиб, улардан фақат биттаси мутлақ тўғри бўлиши керак.

-Тўғри жавоблар ҳам, нотўғри жавоблар ҳам битта мавзу доирасида бўлиши шарт ва улар шакл жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин бўлиши, тўғри жавоб шаклан ажралиб турмаслиги керак.

-Тестнинг муқобил жавоб вариантларида сўзлар кераксиз такрорланмаслиги, шунингдек, тушунарли, аниқ ва қисқа бўлиши талаб этилади.

-Тест топшириғининг муқобил жавоб вариантларини тузишда тўғри жавобни топишга ёрдам берадиган сўз ва иборалар ишлатилмаслиги зарур.

- Тест топшириғининг нотўғри жавоблари асосли равишда танланиши керак;

- Тест топшириғининг муқобил жавоблари орасида «жавобларнинг барчаси тўғри», «жавобларнинг барчаси нотўғри», «тўғри жавоб йўқ», «тўғри жавоб А ва В», «В ва Д» каби иборалар ишлатилмаслиги лозим;

- Тест топшириқлари ёзилган файлнинг номи намунавий ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи билан номланиши шарт. Файлни номлашда қисқартмалар киритиш мумкин эмас;

- Тест топшириқларини киритишда, имловий ва услубий хатоликларга йўл қўймаслигига эътибор берилиши лозим. Тест саволлари таркибига фақат текширилган, обектив маълумотлар киритилади. Ўқувчилар учун тузиладиган тест топшириқлари таркибига мунозарали саволларни киритиш тавсия этилмайди;

- Топшириқ мазмунини илмий бўлмаган, оддий ҳаётий тушунчалар ёрдамида ёритиш тавсия этилмайди;

- Ўқувчилар учун тузиладиган тест топшириқлари қисқа, тўғридан-тўғри саволлар ёрдамида тузилиши мақсадга мувофиқдир;

- Тузиладиган тест ортиқча сўзлар бўлмаслиги керак;

- Тўғри жавоблар тасодифий тартибда жойлаштирилиши, нотўғри жавоблар ҳақиқатнамо бўлиши, жавоблар вариантлари (берк топшириқларда) бир хил узунликда бўлиши, тест таркибидаги сўзларнинг бир маънолиги, аниқлиги ва тушунарлилигига эътибор қаратиш лозим;

- Топшириқ шартлари, ифодаси ва жавоблар синчковлик билан таҳрир қилиниши шарт.

Тестларнинг маълум қийинчилик даражаси бўлиши талаб этилади, яъни тест топшириғи ўқувчидан ахборотни оддий эслаб қолишдан кўпроқ нарсаларни талаб қилиши керак. Тўғри жавоби яққол кўриниб турган тест топшириқларини тестлар таркибидан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Тест тузаётганда тест ечимининг вақт бўйича регламентлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Ечими 2 дақиқадан кўп вақт талаб қиладиган тест топшириқлари мавжуд бўлишига йўл қўймаслик лозим. Ўртача ҳисобда битта топшириқни бажариш учун 60 сония вақт ажратилади. Тавсия этилаётган тестлар мураккаблигига кўра, 3 та даражага бўлинади. Кўп вариантли тест тизими таълим самарадорлигини ўқув фанлари бўлимлари бўйича ҳолисона баҳолаш учун ноёб

имкониятлар яратди. Ўқувчиларларнинг билим даражасини юқори даражада аниқлик билан белгилашда тестларнинг мураккаблик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир тест билим ўлчови учун хизмат қилиши билан бир қаторда, улар маълум умумий мақсадларга ҳам қаратилган. Улар қуйидаги ҳоллар билан характерланади:

Биринчи даражада тестлар орқали битта тушунча ёки дарсликда берилган маълумотлардаги ўқувчининг хотирлаш қобилиятини аниқловчи, унча мураккаб бўлмаган бир ҳодиса ёки қонуниятни билишни талаб қилувчи тестлар ҳисобланади.

Биринчи даража: Ўқувчининг фақат хотирасини ва минимал билим даражасини аниқлашга қаратилган турли бўлимлар ва луғатлардан тузилган оддий саволдан иборат бўлади.

Мураккаб I даражали бўлган тестлар жуда катта миқдордаги ўқувчилар орасидан билими саёз, тасодифий, жавобларни асоссиз, тахмин-фаразларга таяниб белгиловчи ўқувчиларни ажратиш учун хизмат қилади.

Иккинчи даражали тестлар. Мураккаблиги II даражали тестлар ўқувчиларнинг маълум мавзулар ҳақида умумий маълумотларга эгаллиги, энг асосий қоида ва қонуниятларни билиши ҳамда маълумотларни хотирада сақлаш даражасини аниқлашга қаратилган. Иккинчи даражали тестлар дарсликда келтирилган иккинчи, учинчи даражадаги билимларни қамраб олади ёхуд битта саволнинг ўзида иккита биринчи даражали маълумотлар сўралади. Ўқувчининг хотирасини текшириш билан бирга билимларни талаб этадиган саволлар. Бу каби саволларни ечиш давомида ўқувчидан ўтилган мавзулар ҳақидаги билимлар ҳам талаб этилади. Бунда битта саволнинг ўзида иккита биринчи даражали маълумотлар сўралиши ёки иккита саволнинг ўзида битта жавоб сўралиши ҳам мумкин.

Учинчи даражали тестлар. Мураккаблиги I ва II даражали тестлар ёрдамида ажратиб олинган ўқувчилар орасида иқтидорлиларини аниқлашда III

даражали мураккабликдаги кўп қиррали тестлар зиммасига тушади. Билим даражаси бир-бирига яқин бўлган иқтидорли ўқувчиларни кичик масштабда ўта аниқлик билан ажрата билишда мураккаблиги III даражали тестлар катта аҳамиятга эга. «Мураккаб тестлар» тушунчаси айнан III даражали мураккабликдаги тестларга тегишли. Мураккаб тестлар фақат иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, бундай тестларнинг жавоби бир неча қоида ёки қонуниятларни татбиқ қилиш йўли билан топилади, мазкур тестлар ўқувчидан алоҳида мушоҳада, қобилият талаб қилади. Мураккаб тестлар қуйидаги хусусиятларни ўз ичига қамраб олади:

- а) тест саволининг аниқлиги ва кўп қирралиги;
- б) тўғри жавоб бир неча мавзуларнинг ўзаро туташуш ҳосиласи эканлиги;
- в) муқобил жавобларнинг бир-бирига ўта яқинлиги, яъни кўпгина хусусиятларига кўра тўғри жавобга даъвогар бўла олиши;
- г) чуқур ва ҳар томонлама мушоҳада юритишга даъват этиши.

Қуйидаги тестларни Мураккаб тестлардан фарқлаш керак:

- а) бир неча топшириқларни қамраб олувчи, яъни саволлар мажмуасидан тузилган тестларни;
- б) бир-биридан кескин ажралиб турувчи жавобларга эга бўлиб, мутлақ тўғри жавобнинг қайсидир хусусиятини ўзида акс эттирмаган тестларни.

Мураккаб тестлар барча фанларда ҳам даъвогарнинг ўша фан доирасидаги қобилиятини, мавзуларнинг нафақат умумий томонини, балки нозик қирраларини ҳам чуқур англашини кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади.

Учинчи даража тестлар: Бир неча бўлимларни таққослаш, қиёслаш, таҳлил қилишни ва ўқувчидан жиддий мантиқий ёндашувни талаб этадиган мураккаб ёки комбинатцияли саволлардир.

*Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига кўра қуйидагича тест шакллари мавжуд: **Тест топшириқларини тўртта шаклга***

ажратилади: Тест топшириқларини тузишда ўзлаштиришнинг репродуктив даражасидаги тестлар миқдори ортиб кетмаслигига эътибор бериш керак. Ўқув материални ижодий даражаларда ўзлаштирилганлигини аниқловчи-очиқ тестлар, бир нечта жавобли-ёпиқ тест, мувофиқликни аниқловчи тест шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларга тўхталиб ўтамыз:

Очиқ тестлар. Агар тест топшириғи матнида унинг таянч сўзлари ёки гап тушириб қолдирилган бўлса, бундай топшириқ очиқ, тугалланмаган тест деб аталади. Мазкур шаклдаги тестларда таълим олувчиларнинг битта, иккита сўздан иборат қисқа ва аниқ жавоб беришлари тахмин қилинади. Бу ҳақда тестга илова қилинган йўлланмада баён этиш керак бўлади ва тест бланкасининг бўш жойида жавоб учун зарур бўлган жой қолдирилади.

Ёпиқ тестлар. Бу топшириқ шарти (фикр ёки савол) биттаси тўғри, қолганлари эса нотўғри, лекин ҳақиқатнамо жавоблар мажмуидан таркиб топади. Бундай топшириқлар берк деб аталишининг сабаби шундаки, ўқувчи ўз жавобини ифода этолмайди, у жавобни таклиф этилган мажмуадан танлаб олиши керак. Бундай тестлар савол ва бир неча жавоблардан иборат бўлади, бу жавоблардан бири тўғри, қолганлари тўғрига ўхшаш, бироқ нотўғри бўлади.

Мувофиқликка оид тестлар. Бундай тестларнинг моҳияти кўп сонли элементларнинг бошқаларига мувофиқлигини аниқлашга асосланган. Бу топшириқлар «мувофиқлик аниқлансин» деган сўздан иборат йўриқнома асосида тузилиши лозим.

Тўғри кетма-кетликни аниқлаш бўйича тузилган тест. Маълум жараён операциялари кетма-кетлигини нотўғри санаб бериш, аниқ фикрдаги сўзларнинг тўғри тартибини бузиш ва ҳоказо йўллар билан тузилади. Ўқувчининг вазифасига ҳаракатларни тартибга солиш, рақамлаб чиқиш киради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак тест синовларининг аҳамияти катта бўлиб, бунда ўқувчи тестнинг жавобини топиши асосий натижа эмас, балки олган билимларини ҳаётга тадбиқ қила олишидир. Таълим жараёнларида ўқувчиларга

билим бериш, уларнинг фан бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда ўқувчилар билимини баҳолашда оғзаки, ёзма, амалий кўникма, муаммоли масалалар билан биргаликда тест синовларидан ҳам фойдаланиб келинмоқда. Тестлар ўқувчи психологиясига у ёки бу маънода жуда катта таъсир қилади, ўқувчи билимини тўрт босқичда яъни эшлаш, мулоҳаза қилиш, бир нечта ечимларни топиш ва билимларни ҳаётга татбиқ этиш орқали аниқлашга йўналтирилган педагогик метод ҳисобланади. Бунда уларга бериладиган тест ўқувчининг билим савиясига мос бўлиши ниҳоятда аҳамиятлидир. Бола тестни ечишга кўзи етсагина уни ишлашга ҳаракат қилиб кўради. Тест тузиш жараёни, усуллари, тест турлари йилдан-йилга сайқалланиб бормоқда, бу эса жамиятда тестинг туган ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 6-апрелдаги “Ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори.
3. Ахборотнома ИХ. ЎзРВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази.-Т. 2001.
4. Дусчанов,Б.А.Тестология тест тузиш санъти/Б.А.Дусчанов, Б.С.Рахимов, С.К. Собирова. - Текст: непосредственниёга//Молодой ученый. - 2017. - №16.2(150.2).С.27-28.